нинг вакили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувохномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни риб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди хамда УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

а) конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясинн электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

в) электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсатгичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш 3-иловага мувофик;

г) электр энергиясининг «Истеъмолчи»га узлуксиз («Электр ускуналарининг курилма коидалари» 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;

д) электр тармокларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида «Истеъмолчи»ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;

е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва «Истеъмолчи»га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар килиш;

ж) «Истеъмолчи»га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;

ж) жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вактини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар килиш;

з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда «Истеъмолчи»га билдириш.

и) "Элекр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергяси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя килинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вактдаги умумий йиллик бахоси 7499250 (Етти миллион уртт юз туксон тоғиз мин икки юз эллик сўм) сумни ташкил этади Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. *(зарур булмагани учирилади)* Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6 сонли иловаларда берилади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 30 фоиздан кам булмаган микдорида олдиндан хак аванс тарикасида туланади, истеъмол килинган электр энергияси учун колган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилади.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун _____ пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади. 1 (хисоб-китоб килиш шакли курсатилади)

Йил	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Жами
кВт	5555	5555	5555										
Сум	2499750	2499750	2499750										